



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 10 март, чоршанба • № 20 (11.103) • Эркин нарқда сотилади

ГРУЗИЯ ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТДА

ГРУЗИЯ Президенти Эдуард Шеварднадзе 8-9 март кунлари Ўзбекистон пойтахти — Тошкентга амалий ташриф буюрди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Грузия давлати бошлиғи билан амалий учрашуви бўлди.

Унинг якунида муҳим ҳужжат — амалий учрашувга оид Протокол имзоланди. Шунингдек, ҳар икки мамлакат делегациялари ўртасида ҳам музокаралар бўлиб ўтди.

Ўзбекистон, Грузия ҳамда бошқа давлатлар журналистлари билан бўлган мулоқотда қардош икки давлат Президентлари 9 март куни эрталаб икки соатлик суҳбатда қандай мавзулар кўтарилганини тўғрисида суҳбат бердилар.

Бўлиб ўтган суҳбатлар якуни хусусида журналистларнинг берган қўлаб саволларига жавоб берар экан, Ўзбекистон Президенти икки томонлама муносабатлар, МДХ ичидаги вазият, Ўрта Осиё ҳамда Кавказдаги умумий аҳвол ҳақида фикрлар алмашганлигини айтиди. Жумладан, Ислам Каримов транспорт «йўли» — ТРАСЕКА лойиҳаси ҳақида, унинг истиқболли хусусида суҳбат берди. Утган йили Грузия порти — Поти орқали Ўзбекистонга 725 минг тонна юклар келтирилди. Жорий йил апрелида эса Ўзбекистон учун мўлжалланган махсус сув йўли майдонининг таъмирланиши ниҳоясига етказилди.

Ўзбекистон Президенти ўз мамлакатининг МДХ давлатлари бўйича тузилган коллектив хавфсизлик шартномасидан чиқажаклиги тўғрисидаги қарори қатъий эканлигини таъкидлади. Грузия Президенти ўз навбатида мазкур шартнома мавжуд вазиятларга мослаша олса, балким, унинг умрини узайтириш мумкин бўлар, лекин, ҳозирги ҳолатда эса шартнома Грузияга ҳам тўғри келмайди, деди. Э. Шеварднадзе Чеченiston мавзусига тўхталар экан, ўз вақтида Грузия МДХга аъзо давлатларга «Террорчиликка қарши конвенция»ни тавсия этган эди, лекин, у МДХ девонидидаги қозғолар ичида ғойиб бўлганлигини эслатди.

9 март куни Грузия Президенти ўз ватанига жўнаб кетди.

СУРАТДА: учрашув пайти. А.Тўраев (ўзА) олган сурат.



Вилоят ҳаёти

КОНЧИЛАР НАВРЎЗДА ШАРАФЛАНАДИ

АНГРЕН кўмир кони жамоаси умумхалқ байрами — Наврўзга пухта ҳозирлик кўрмоқда. Корхона худудида кенг кўламли ободончилик, кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Шунингдек, байрам тантаналари чоғида ҳозир пенсияда бўлган собиқ кончиларни шарафлаш, ёлғиз кексаларни, етим-ёсирларни йўқлаш мақсадида совга-саломлар тайёрлашга киришилди.

Наврўз кунлари кончилар оталигида бўлган 34-мехрибонлик уйда байрам дастурхони ёзилди ва кўкмақта боҳо совғалар улашилди. Бунинг учун маблағ етарли.

Чунки, кўмир кони жамоаси янги йилнинг дастлабки икки ойи режасини муддатидан бир hafta илгари орти билан бажарди. 990 миллион ўрнига 1 миллиард 100 миллион сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Бу ўтган йилнинг шу даврадаги нисбатан бир миллион сўмлик кўпдир.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ХАШАРЛАР УЮШТИРИЛЯПТИ

БЕКБОД шаҳрида муборак айём — Наврўзга тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда. Айниқса, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Шу мақсадда оммавий хашарлар уюштирилмоқда. Шаҳардаги санат корхоналари, қурилиш, транспорт ташкилотлари ва муассасалар жамоалари ҳар шанба ва яқшанбада ўтказилаётган бу тадбирда қатнашмоқдалар.

«Ўзбекистон металлургия комбинати» ишлаб чиқариш бирлашмаси, цемент комбинати, «Сув-оқова» ишлаб чиқариш бошқармаси, «Бекободон» жамоаси корхонаси ишчи-хизматчилари унда оммавий ишчилик этмоқдалар. Ҳашарчилар ўз корхона-ташкilotлари атрофида, худудларида ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишмоқдалар. Улар майдонларни тартибга келтириш, дарахтларни оқлаш, гулзорлар барпо этиш учун майдончалар тайёрлаш, тозалаш, ахлатларни ёрдам, ташиб кетилишига ёрдам бериш ва бошқа шундай юмушлар билан шуғулланмоқдалар.

Даврон АҲМЕДОВ.

СУҲБАТ МАСКАНИ — МАҲАЛЛАЛАР

ЯНГИЙЎЛ шаҳар ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси «Аёллар йили» муносабати билан маҳаллаларда «Аёлнинг оиладаги ўрни», «Хотин-қизлар ҳуқуқи», «Ўз ҳуқуқингизни биласизми?», «Аёл ва жамият», «Қайнона — ўз онангдек она», «Хунари бор қизнинг ҳурмати бор» мавзуларида суҳбатлар ўтказишни йўлга қўйдилар.

Бундай давраларда ҳуқуқшунослар, ички ишлар, прокуратура ходимлари, бой турмуш тажрибасига эга бўлган оналар, малакали муаллимлар жалб этилмоқда.

Хусусан, Охунбобоев номли, Нодирабегим ва бошқа маҳаллаларда ўтган суҳбатлар уларнинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Шахло ОБИДОВА.

ТОШКЕНТДАН ТУРИБ ХОРИЖДАГИНИ ЎҚИЙСИЗ

ЯҚИНГИНАДА вилоят кутубхонаси «Турон»да китобхоналар учун яратилган электрон каталог ҳақида хабар қилган эдик.

Кўни кеча эса ушбу маърифат масканидан «Интернет»да боғланиб, Интернет истаган маиллакатдаги кутубхонага хоҳлаган китобингизга буюртма бериш имконияти яратилди. Танлаган асарингиз ёхуд қўламангиз ўзингизга керакли бобини ўқиб олишингиз ҳам мумкин. Шу тариқа илгари бирон адабийоти олишга ойнаб кетадиган вақт тежалмоқда. Электрон восита орқали алоқа, айниқса, диссертация ёловчи илмий ходимлар мушуқлини осонлаштирди.

Саид ВАЛИЕВ.

«АМБУЛАНС»НИНГ ХАЙРАИ САҒАРИ

ҲАМИША хайрли ишлар ташаббускори бўлиб келатган «Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими шифокорлари яна қатор меҳрибонлик уйлари, туғруқоналар, махсус мактаб-интернатлар ва шаҳар ҳамда туманлардаги маҳаллаларда бўлиб, оналар, болалар саломатлигини «Амбуланс»да назоратдан ўтказдилар.

Жойлардаги жамоаларга 110 минг сўмлик дори-дармон, 1300та «КАМЭЛ» совуни, 2 тонна қир ювиш воситалари, тиш чўчқалари, иссиқ кийим-кечаклар бепул тарқатилди.

Айниқса, жамғарманинг гриппга, камқонликка қарши ноёб дори-дармонлар билан таъминланган Чирчиқ шаҳри, Бўка тумани меҳрибонлик уйлари, Янгийўл шаҳри, Янгийўл, Зағиғота, Уртачирчиқ туманларининг бир неча маҳаллалари аҳли ҳамда вилоят касалхонаси, вилоят снл хасталикларини davolash маскани беморларни «Соғлом авлод»ликлар кўрсатган набатдаги муруватдан миннатдор бўлдилар.

Шахло БЕКНАЗАРОВА.

Вилоят фаоллари йиғилиши

МАҚСАД — СПОРТНИНГ ОММАВИЙЛИГИГА ЭРИШИШ

ШУ йил 9 март куни вилоят ҳокимлигида вилоятда жисмоний тарбия ва спортни оммавийлаштириш мавзусига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлигининг бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар ва туман ҳокимлари, уларнинг ижтимоий масалалар бўйича ўринбосарлари, шаҳар ва туман спорт қўмиталари раислари, жойлардаги спорт мактаблари раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилиши вилоят ҳокими Умнат Мирзақуллов олиб борди.

ТОШКЕНТ вилояти жисмоний тарбия ва спортни оммавийлиги ва турли халқаро мусобақаларда мутаваффақиятли қатнашаётган спорт усталарининг сони жиҳатидан республикада етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Бунинг асосий омилли шундаки вилоятда спорт иншоотлари тармоғи кенг ривожланган. Чунинчи, мавжуд 36та ўйингоҳнинг 24таси кишлоқ жойларда бўлиб, улар корхона, ташкилот ва хўжаликлар тасарруфидандир. Бундан ташқари, 545та спорт зали, 2862та спорт майдони ёшлар ихтиёрида.

Вилоятда жисмоний тарбия ва спортнинг моддий-техника базаси нисбатан мустаҳкам эканлиги 1998 йилнинг ўзида 11 нафар халқаро миқёсдаги спорт устаси, 36 нафар Ўзбекистон Республикаси спорт устаси, 300 нафардан зиёдрок спорт усталлигига номзод ва биринчи даражадаги спортчи тарбиялаб етиштириш имконини берди.

Вилоят вакиллари Ўзбекистон Республикаси Ешлар ўйинларида мутаваффақиятли иштирок этиб, Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятидан сўнг фарҳали учини ўринни эгалладилар. Умуман, Ўзбекистон Республикаси чемпионати ва биринчиликларида иштирок этиб, 64та олтин, 42та кумуш ва 56та бронза медалларини қўлга киритди.

Утган йилнинг декабрида Бангкок шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинларида вилоятнинг 20 нафар вакили иштирок этиб, республикамиз спортчилари қўлга киритган медаллар шодасида битта олтин, тўртта кумуш ва тўртта бронза медалини қўшди.

Чирчиқ ва Бекобод шаҳарлари республика терма жамоасига академик ҳамда байдарка ва канода эшак эшиш, дзюдо, ёлканли спорт, шунингдек, шарқона яққа кураш турлари бўйича энг кўп меҳор спортчиларни етказиб бериб, вилоятимиз спорт шарафини улуғламоқда.

Аммо, йиғилишда таъкидланганидек, вилоятнинг жисмоний тарбия ва спорт ташкилотлари, уларнинг жойлардаги бўлимлари мавжуд имкониятлардан янада тўлақон фойдаланиш чораларини кўрганларида ютуқлар бундан ҳам салмоқли бўлар эди. Аfsуски, меҳнат жамоаларида, ўқув муассасаларида, олимпия захираси болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида ҳамда мавжуд спорт иншоотларида оммавий жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш ишлари имконият даражасида ташкил этилмапти. Тўғрақлар етарли эмас. Борлари ҳам номингагина ташкил этилган, машгулотлар мунтазам ўтказилмайди.

Айниқса, кишлоқ спортининг аҳволи бугунги кун талабига жавоб бермайди. Спорт иншоотлари жуда кам. Мавжудлари эса ўз холига ташлаб қўйилган, спорт тўғрақлари йўқ ҳисоби.

Йиғилишда яна бир нарсага жиҳдий эътибор қаратилди. Кейинги йилларда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар сонини атайлаб бўрттириб кўрсатиш ёмон одадга айланиб қолди. Масалан, Янгийўл туманида 34,2 минг кишининг жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиши қайд этилган. Ҳолбуки, буларнинг 30,2 минг нафари ўқувчи ёшлардир. Бошқа шаҳар ва туманлар ҳисобот маълумотларида ҳам шу аҳволни кўриш мумкин. Спортга бундай муносабатда бўлиш оқибатида Бўка ва Янгийўл туманларида 1998 йилда халқаро миқёсдаги ва республика спорт устаси у ёқда турсин, лоақал бир нафар ҳам биринчи даражадаги спортчи тайёрланмади.

Йиғилишда вилоятда жисмоний тарбия ва спортни амалда оммавийлаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар, таклифлар ўртага ташланди.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси Баҳодир Махситов йиғилишда сўзга чиқди.

Йиғилишда муҳокама этилган масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси ҳамда вилоят ҳокимлигининг қўшма қарори қабул қилинди.

Акс-садо

ОЛЛОХ ҲИДОЯТИ ҲАҚ ҲИДОЯТДИР

ЎТТАН шанба Зағиғота ҳамда Янгийўл туманлари мусулмонлари учун алоҳида кун бўлди, десам аниқлимайман. Чунки, эрталабданок яхши маънода шов-шув бўлиб кетди. Қўлчиликнинг қўлида «Оллох қалбинида, юрагинида» сарлаҳаси остидаги Президентимиз мухтарам Ислам Каримовнинг «Туркистон-пресс» ахборот агентлиги мухбирининг явоблари ҳақида гап-сўзлар бўлиб кетди.

Ҳар икки тумандан келган намозхонлар чехрасида алоҳида бир мамнулик барқ уриб турарди.

Пешин намуздан сўнг ахли жамоа яна бир ерга қайтадан йиғилди. Юртбошимизнинг жавобларини бошқатдан синчиклаб, ҳижжалаб ўқиб чиқдик. Йиғилганларнинг кўзларида, ҳатто, кувонч ёшлари жиланди. Чунки, бундай қалб изохори яқин ўртада эълон қилинмаган эди.

Бутун халқ ўзининг йўлбошчисини қанчалик буюк меҳр билан севишини, иззат-икром қилишини, хурматлашини билар эдик. Лекин, бу сафар одамлар қалбида муҳаббат уммонлари қайтадан тўлқинланиб кетгандай бўлди. Айниқса, Президентимизнинг «...мен ҳам шу халқнинг бир фарзандиман, шу миллатнинг бир ўғлиман. Алхамдулилла, бир мусулмон фарзанди сифатида халқимга хос исломий тушунча ва туйғулар менинг ҳам қалбимда, юрагимда барқарор ва мен бу дунёю у дунё ўз эътиқодимдан қайтмайман» деган қалималари ҳаммани ҳайратга солди.

Мазкур жавобларда айтилганидек, баъзи хорижий матбуот нашрларида, айрим айримча кучларнинг қишқирларида Ўзбекистоннинг дин борасидаги сибаситида кескин ўзгаришлар бўлиши, деган вазваса кўтарилганлиги сир эмас. Шу

нуктаи назардан қараганда давлатимиз раҳбарининг «Туркистон-пресс» мухбирининг саволларига жавоблари ўша миш-мишларни том маънода чиппака чиқарди.

Ҳақиқат битта, адолат ягона, деган тушунча бор. Зотан, шундай экан, ҳақиқий воқелиқдан, амалга оширилаётган савоббахш ишлардан кўз юмиб бўладими?! Бунга фақат кўзи қур, қалби сўйқир кишиларгина кўрмаслиги, тин олмаслиги мумкин. Она дёйримизда дини-исломни бутун бўйиб-баста билан қайта тиклаган ким? Президент Ислам Каримов эмасми. Муқаддас зиёратгоҳларни энг обод масканларга айлантирган ким? Президент Ислам Каримов эмасми. Имом ал-Бухорий, Нақшбанд, Ат-Термизий, Аҳмад Яссавий, Ал-Фарғоний сингари алломаларимиз таълимотларини қайта таваллуд топтирган ким? Президент Ислам Каримов эмасми. Бугунга кел-

либ, яна бир бор «Оллох бизнинг қалбимизда, юрагимизда» деб баралла нидо қилган ким? Президент Ислам Каримов эмасми...

Оллох ҳамма нарсани кўргувчи ва эшитувчидир. 16 февралда содир бўлган воқеаларга ғазаб-нафрат билан муносабат билдираётган миллионлаб ватандошларимизнинг барча покиза ниэтлари амалга ошмоқда. Аммо бўхтончи, каззоб, ҳатто, қотилликдан ҳазар қилмаган манқурт муртадаларни, иншооллох, Яратганнинг ўзи жазолагай. Уларга у дунёда ҳам, бу дунёда ҳам шайқат бўлмаслиги керак. Зотан, жиноятга жазо муқаррардир. Мусулмонлик никоиб остида, жиноятга қўл урганлар абадий ланъатга мустаҳқидирлар.

Ориф ҲОЖИ ЙЎЛДОШЕВ, Тошкент вилояти бош имом-хатиби.

ШАҒҒАТ ҲАМ ЙЎҚ, ЖОЙ ҲАМ...

Халқ бир қалқиб кетди. Уйига келмаган иш бўлди. Чумчуқнинг уяси бузилганини кўрганда ҳам чирқиллаб қоладиган юракларни оғриқ тутди, гўё.

Эл хайрон, юрт хайрон, қайдан чиқди бу бало! Отага қўл кўтармоқ Ватанга қилган номардлик эмасми, юрта қилган суиқасд эмасми? Нега огоҳ бўлмадик, нега билмадик, манфурларнинг оёқ олишини!

Яхшичи ҳам ёмончи ҳам бағрига босган Ватан, кўзингга чўп ташламоқчи бўлишди, бағрингда қон кўрмоқчи бўлишди. Отамнинг бобосига вафо қилган Ватан, сени деб жонини ҳам тиккан Юртбошимиз, сени бағрига босиб, бошига кўнтарган эл, сени омонликка топшириб қўйган! «Огоҳ бўлинг, одамлар!» деб Юртбоши хайқирганда, турли бурчаклардан отиладиган

Унинг чекига Ўзбекистон дунёдаги энг тараққий этган давлат қаторига кўтариш тушди. Шундан фидойилик, шундан беҳаловат умр, шундан умрини тикши!

Умри узоқ бўлади бу Ватаннинг, эли омон бўлади бу юртининг, йўли гулга тўлади бу элнинг!

Бу ишни қилган манқуртларга эса шайқат ҳам, Ватандан жой ҳам йўқ!

Эл билади, тўғри йўлнинг заволи йўқдир, Қинғир ишни ким бошласа қамолли йўқдир. Билки, йўлдан чалғитганининг иқболи йўқдир, Огоҳ элим, огоҳ бўлгин, огоҳ бўлгин!

Устунлари қулар эмиш — имон суст бўлса, Турфа савдо бошга тушар — имкон суст бўлса, Юзинг-кўзинг демас ҳаёт — виждон суст бўлса, Огоҳ элим, огоҳ бўлгин, огоҳ бўлгин!

Денгиз бўлиб булоқларга қўлдош бўлайлик, Катта элимиз элимизга элдош бўлайлик, Юртин деган Юртбошига йўлдош бўлайлик, Огоҳ элим, огоҳ бўлгин, огоҳ бўлгин!

Ҳамид НОРКУЛ.

ҲАЛҚ СЎЗИ

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари жамоасининг 16 февраль куни Тошкент шаҳрида содир этилган кўпуровчилик харақатлари муносабати билан йиғилиши бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққанлар бу манфур жиноят эрк, мустақиллик ва халқимиз йўлбошчисига қарши қилинган тажоввуз эканлигини таъкидлаб, ғаламисларга қарши

Ҳажратийдаларга ёрдам

Йиғилиш қатнашчилари ақидапарастлик, терроризм ва диний экстремизмни, айрим ўзини дохий деб ҳисобловчи ватандашларни фош этувчи мақолаларни янада кўпайтириш позициясини қайд этдилар. Бу журналистларнинг ҳозирги кундаги энг долзарб бурчидир.

(ўзА).

ФУҚАРО, БУРЧ, МАСЪУЛИЯТ

ҲАР бир қонун ўз ижросини топгандагина унинг маънаси ортади. Шу жиҳатдан олганда «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси айтиш долзарблиги билан муҳим аҳамият касб этади. Шу кунларда оммавий ахборот воситаларида у умумхалқ муҳокамасидан ўтмоқда. Жойларда ҳуқуқшунослар, маъмурий идоралар ҳодимлари лойиҳа юзасидан суҳбатларда иштирок этиб, меҳнаткашлар фикр-мулоҳазаларини тингламоқдалар, уларни умумлаштиромоқдалар.

Биз вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи Э. ХОЛМАТОВга мазкур янги таҳрирдаги лойиҳа юзасидан бир неча саволлар билан муурожаат қилдик.

— Эргаш Аноркулович, 1993 йил 2 сентябрда ҳам «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» қонун қабул қилинган эди. Орадан 5 йилдан кўпроқ вақт ўтгач, у яна қайта тузилди. Бунинг ўзига хос сабаблари бўлса керак?

— Албатта. Жамиятда шундай қонунлар бўладики, у амалиётда қўлланиш жараёнида ортирилган тажрибалар, ҳал қилиниши керак бўлган янги-янги муаммолар заминидан тўлдирилиб, такомиллашиб боради. Мазкур қонун лойиҳаси ҳақидаги Олий Мажлис қарорига эътибор берсангиз, у «Янги таҳрирда»ги деб бошланади. Демак, қонун бутунлай бошқатдан яратилгани йўқ. У яна бир бор умумхалқ манфаатини кўзлаб, ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини демократлаштириш мақсадида пишиқтирилди. Бу органларнинг ўтиш давридаги вазифалари аниқроқ белгилаб

берилди. Уларнинг ҳуқуқ доираси кенгайди. Энди, лиқда қишлоқ, овул фуқаролар йиғинлари, шаҳарлардаги маҳаллалар кенгашилари раислари (оқсоқоллари) томонидан айрим фуқаролик ҳолати бўйича нотариал ҳаракатлар амалга оширилади. Хусусан, улар туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш, ажралиш далолатномаларини қайд этадилар. Қонунга мувофиқ тарзда васитаномаларни, ишончномаларни тасдиқлайдилар. Мерос, мол-мулкларнинг кўриқланшига доир чора-тадбирларни курадилар, ҳужжатлар нухсаларини ва ҳужжатлардан олинган кўчирмаларнинг тўғрилигини шаҳодатлайдилар. Илгариги қонунда бундай қоидалар ўз аксини топмаган эди.

Айни пайтда лойиҳанинг 15-моддасида «Фуқаролар йиғинининг тафтиш ва маъмурий комиссиялари» тузилиши ҳам кўрсатилган. Маъмурий комиссия: табиий бойликларга эгалик ҳуқуқининг бузилиши, тарих ёки маданият ёдгорликлари, ерлар, электр тармоқлари, темир йўллар, автомобиль йўллари учун ажратилган минтақалар муҳофазаси, экинзорларни пайҳон қилиш, турар жой биноларидан фойдаланишга доир ва бошқа масалаларни кўриб чиқадилар ва тегишли тадбирлар белгилайдилар.

Илгариги қонунда ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий фаолияти билан боғлиқ масала ҳам умумий тарзда ифодаланган эди. Бу улар фаолиятида сезила бошлади. Ана шу масалага янги таҳрирдаги лойиҳада аниқлик киритилди. Президентимизни-

нг «Аҳолини аниқ йўналтирилган ижтимоий мадад билан таъминлашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ролини ошириш тўғрисида»ги Фармон билан ана шу молиявий ҳолат мустақамланди.

Эндиликда лойиҳанинг 12-моддасида қайд қилингандек, фуқароларнинг уй-жойдан фойдаланиш, коммунал хизматлар учун тўловларни тўла амалга оширганликларига қараб (тегишли равишда) тўловлар 100 фоиз, 75 фоиздан кўпроги тўланиши таъминланганда) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳар ойда тушумлар суммасининг 20 фоизи, 75 фоиздан кўпроқ таъминланганда эса 10 фоиз акратилади.

— Мазкур лойиҳа халқ муҳокамасидан ўтиб бўлганда кейин, албатта, Олий Мажлис сессиясида тасдиқланади. Айни пайтда унинг ижроси бу ишга мутасадди бўлган

кадрларга боғлиқ бўлади, тўғри эмасми? Бунда улар қайси жиҳатларга кўпроқ эътибор қилишлари керак? Саволни бу тарзда қўйганлигинингнинг боиси бор.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги аввалги қонун етарлича амалдади. Камчиликлар энди тақрирланганимизки, деган ўйдан ҳам ҳоли эмасмиз.

— Тушунарли. Бу борада ўтган йил 3 ноябрдаги «Фуқароларни-

длар. Вилоятдаги 106 қишлоқ, 18та кўрғон, фуқаролар йиғинида, 1277та маҳаллада сайловлар мўқобиллик тарзида ўтди. Маслаҳатчиларни сайлаш ҳам номзодларнинг малакаси, эл орасидаги обрў-эътибори ҳисобга олинди. Шу босидан ҳам лойиҳа тасдиқланиб, қонун сифатида кучга киргач, унинг амалий тадбири талаб даражасида бўлиши аниқ. Зеро, бу ҳужжатнинг ҳар сатри фуқаролар манфаатини кўзлаб, ислохотлар ислохот учун эмас, инсон

шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг йиғини, унинг кенгаши, йиғин фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар, тафтиш комиссияси, туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ҳамда овулларда қонун ҳужжатларидан назарда тутилган ҳолда тузиладиган маъмурий комиссиялардан иборатдир. Қуриб турибдики, бошқарув тизими такомиллашган ва фуқароларни ҳудудий жиҳатдан тўла қамраб олган. Фуқаролар йиғинларининг ўз фаолиятларида демократия, ошқоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, жамоатчилик асосида узро ёрдам каби юксак инсонийлик фазилатларига таяниши, маҳаллий аҳамиятларга молик масалаларни ҳал этишда мустақил фаолият юрита олиши, яъни халқчилиги қонуннинг ижросини таъминлашга кенг йўл очди.

— Айтинг-чи, жойлардаги муҳокамалар чоғида лойиҳа юзасидан қандай фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда? Улар орасида муаммоли тақлиф ва истақлар ҳам борми?

— Шунга айтиш керакки, мени аввало, муштақиллик туфайли мамолақатимизда мужассам топиб бораётган эркин фикр айтиш учун яратилган шарт-шароитлар, муҳит қувонтирмоқда. Йиғилишларда сўзга чиққанлар дилларидаги гапларини очик-ойдин айтмоқдалар. Аввало, улар янги таҳрирдаги қонун лойиҳаси ҳозирги ўтиш даврида ўта долзарблигини, у фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини демократлаштиришда катта аҳамият касб этишини таъкидламоқдалар, йиғинларга кенг ваколатлар ва ҳуқуқлар берилганлигини эътироф қилмоқдалар.

Айни пайтда лойиҳанинг айрим моддаларига ўзгаришлар киритиш тўғрисида ҳам тақлифлар бўлмоқда. Масалан, Тошкент туманидаги «Навоий» маҳалласида ўтган йиғилишда лойиҳанинг 3-моддасидаги «Фуқаролар шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар ва маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари қаролатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (вакиллар йиғилиши) орқали амалга оширадилар» дейилган қоидадаги «вакиллар йиғилиши» сўзларини «умумий мажлис» тарзида ўзгариштириш керак, бу бошқарувда омманинг кенг қатлами иштирокини таъминлайди, демокра-

тиани кенгрок намоён қилади», деган тақлиф айтилган. Юричирчиқ туманининг «Арганчи» қишлоғида ўтган йиғилишда эса лойиҳанинг 24-моддасига «Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролар йиғинларининг молиявий фаолиятини мустақамлаб бориш учун ўз ҳудудидан кичик қорхоналар, тадбиркорлик цехлари очиб ҳуқуқига ҳам эга», деган сўзлар қўшилса, мақсадга мувофиқ бўлади, деб истақ билдиришди.

Шу билан бирга лойиҳа муҳокамасига бағишланган мулоқотларда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар билан боғлиқ мулоҳазалар ҳам айтилмоқда. Уларнинг умумий мазмуни фуқаролар йиғинларида вазифалар қўламини ортаганлиги туфайли ҳисоб-китоб билан шуғулланувчи кадрлар лавозимини жорий этиш, марказдан олис қишлоқлар фуқаролар йиғини оқсоқолларини транспорт билан таъминлаш масалаларига дахлдордир.

Албатта, бозор иқтисодиёти шароитида бу муаммолар жадал бўлмаса-да, босқичма-босқич ҳал этиб борилишига шак-шубҳа йўқ. Энг муҳими, жойлардаги йиғилишларда мазкур лойиҳанинг мазмуни ва моҳияти фуқаролар томонидан чуқур тушунилаётгани, оқсоқоллардан талаб қатталиги ҳис этилаётгани амалдаги демократия аҳолининг ҳамма қатламига сингиб бораётганлиги жамиятда рўй бераётган туб ўзгаришлар самараси сифатида алоҳида қувонарлидир.


Сўхбатдош: Сайдували ҲАСАНОВ.

Қонун лойиҳаси муҳокамада

нг ўзини ўзи бошқариш органларида сайлов ўтказишни ташкил этиш тўғрисида»ги Фармон алоҳида аҳамият касб этади. Унга мувофиқ оқсоқолликка билимдон, бугунги кун руҳини идрок этувчи, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган серғайрат ва ташаббускор номзодлар кўрсати-

учун деган ғояга амал қилиб яратилган. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқлари учун бу лойиҳада кенг эркинликлар мавжуд. Унинг ижросидаги қўлайликлардан яна бири шуки, лойиҳада ўзини ўзи бошқариш органларининг таркиби аниқ ифода этилган. Масалан, бу бошқарув

СУРАТЛАР АЙБЛАЙДИ



ОЎҒИ ЕРДА, ЎЗИ ОСМОНДА

СИМЁҒОЧ симни кўтарамди ёки сим симёғочини? Бўша туманидан Бекобод томон борадиган катта йўлнинг чеккаларида юқоридаги ҳуқуқ манзараларни кўрганингиздан кейин бу саволга қандай жавоб беришга ҳам ўйланиб қоласиз... Бундай кўринишга онда-сонда дуч келсангиз ҳам майли эди-я. Бундай «антика» манзаралар тез-тез учраб туради. Бекобод туманидаги «Авангард» жамоа хўжалиги ва «Дўстлик» ширкатлар уюшмаси ҳудудларида олинган ушбу суратлар бунинг ёркин далилидир.

Уларга телефон симлари тортилган. Бундай алоқа турининг жуда муҳимлигини ҳаммамиз яхши биламиз. У ҳар дақиқа, ҳар сонияда керак бўлиб туради. Ҳаётимизни усиз тасаввур қилиш қийин. Шундай бўлгач, уларнинг доим яхши ҳолатда бўлишини таъминлаш, эҳтиёт қилиш лозим. Худо кўрсатмасин, локаллик эса аянчли оқибатларга олиб келиши мумкин. Жуда кўп симёғочлар бутунлай ёниб кетган ёки устки қисmlари зарар кўриб, симларга осилиб қолган. Ов-

ғи ерда, ўзи осмонда... Бунга атрофдаги қаммишзорларга ўт қўйилиши сабаб бўлмоқда. Натигада симёғочлар қуймоқда, зарарланмоқда, яроқсиз ҳолга келмоқда. Бу ҳам ҳолва. Атрофдаги айрим кимсалар ҳатто симёғочларни аралаб, улардан ўтин сифатида фойдаланмоқдалар.

Шу ҳудудлардаги хўжалик, қорхона, ташкилот раҳбарлари, мутасаддилари, қолаверса аҳоли бундай нохуш кўринишлардан нахотки беҳабар бўлсалар?! Албатта, хабарлари бор. Жуда бўлмаганда бу йўллардан ўтишганда илгар кўзларни тушади. Лекин кўра-била туриб, уларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар кўришга шовилмайтирлар. Бу бефарқлик жуда қимматга тушмоқда, алоқа йўлларининг муттасил ишлаши хавф остида қолмоқда. Бундай масъулиятсизлики дезрли барча туманларда учратиш мумкин. Ажабо, бундай боқибегамликка қачон чек қўйилади?!

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Хориж билан ҳамкорлик

ОЛТИ БОСҚИЧДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ

ҲАММАМИЗ билганимизdek, немиш фирмаси конни замонавий техника воситалари билан ускуналаш учун 250 миллион дойр марка миқдорига сармоя ажратадиган бўлди. Унда қорхонани қайта қуриш бўйича қайта ишларни олти босқичда амалга ошириш назарда тутилди. Натигада қонда фантехниканинг сунгги ютуқлари асосида яратилган янги экскаваторлар, бульдозерлар, лентали конвейер линиялари ва бошқа техника воситалари ишга туширилади. Бу қорхонада меҳнат унмдорлигини кескин ошириш имконини беради. Қумир қазиб чиқариш ҳажми эса икки баравардан ортиқ кўпаяди.

Лаётган асбоб-ускуналарнинг аксарияти маънавий ва жисмоний эскириб бораётган Ангрен кўмири конини қайта жиҳозлаш лозим бўлиб қолганлиги, бу муҳим ишда кўмирчиларга Олмониянинг машҳур «Круш» фирмаси ёрдам кўрсатишга рози бўлганлиги ҳақида илгар хабар берган эдик. Яқинда қорхона ва фирма мутахассислари ёрдам қайси соҳаларда ва қандай ҳажмда кўрсатилиши бўйича бир хулосага келдилар. Икки уртада ҳамкорлик қилишнинг махсус дастури ишлаб чиқилди. Унда биргалликда амалга ошириладиган қайта қуриш ишларининг муддатлари ва ҳажмлари аниқ белгилаб олинди. Чунон-

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

Булар ҳақида кам ёзилади

ЙўЛЛАРНИНГ саз бўлишига ҳисса қўшаётганлар орасида Янгийўл тумани Автомобил йўллари бошқармаси жамоаси ҳам бор. Бошқарма ишчи-хизматчилари зиммаларидаги хайрли ва масъулиятли вазифани сидқидилдан бажариб келмоқдалар.

Жамоа тасарруфидаги транспорт воситалари қатнайдиган каттакичи йўлларнинг умумий узунлиги 259 километрни ташкил этади. Улар умумдавллат, республика, вилоят ва маҳаллий турларга бўлинади. Шундай узунликдаги ва ҳар хил кенгликдаги йўлларнинг раво бўлишини таъминлаш осон иш эмас. Унинг ўзига яраша машаққатлари, мураккабликлари бор. Уларнинг уйдасидан чи-

қинининг ўзи булмайди, албатта. У муайян матонатни, уюшқоқликни талаб этади. Турли миллат вакилларида ташкилот топган, ҳамфикр бўлиб, бир ёқадан бош чиқариб ишлаётган жамоанинг юзи эл-юрт олдида доим ёрув бўлмоқда. Давлат режаларини бажаришда яхши кўрсаткичларга эришмоқда. Йўлсозларнинг оила йилдаги меҳнат наатижалари ҳам анча самарали бўлди.

Масалан, энг асосий кўрсаткич — бажарилган

иш ҳажмининг олиб кўрадики. Шу давр давомида жами бўлиб сал кам 41 миллион сўмлик йўллар қуриш ва таъмирлаш ишларини бажариш режалаштирилган эди. Лекин, жамоа йил бопида ноқ бунга қараганда юқорида меҳнат марраларини эгаллашга аҳд қилди. Чунки, уларнинг маҳорати, бой тажрибаси, мавжуд имкониятлар юксакроқ натижаларга эришиш имконини беришига ишонч бор эди. Шунинг учун ҳам қўшимча буюртмачилар излашга ҳаракат қилинди. Бундай мижозлар эса аяганча топилди.

Уларнинг тошпирқлари ҳам муддатда, сифатли қилиб бажариб турилди. Шу туфайли йил давомида йўллар қуриш ва таъмирлаш режаси бир неча баравар ортиги билан бажарилди — 191 миллион сўмлик буювдорлик ишлари амалга оширилди.

Жамоа фаолиятининг бошқа муҳим кўрсаткичлари ҳам кунгилдагидек бўлди. Мукаммал, урта ва жорий таъмирлаш ишлари режалари ҳам ошириб адо этилди. Ҳаммаси бўлиб 60 километрдан ошмироқ узунликдаги турли йўллар тузатилди.

Асфальт-бетон ётқизилади. Қатор автобекатлар жиҳозланади, йўлларнинг четлари мустақамланди, янги йўл белгилари урнатилади, эскиллари алмаштирилди.

Таъмирловчилар Чиноз ва Бекобод туманларидаги ҳамкасбларига ҳам яқиндан ёрдам бердилар. Биргина Чинозда сал кам утгиз миллион сўмлик иш бажарилди. Бу ерда уларнинг кучи билан анча узунликдаги йўллар раво қилинди.

Айни вақтда жамоа бошқарманинг моддий-техника базасини мустақамлашга ҳам катта

эътибор бермоқда. Янги ишлаб чиқаришлар барпо этиляпти, фойдаланилаётган техника воситалари саройи бойиммоқда. Йўл таъмирлаш пунктлари қўлаймоқда. Уларнинг сони туртгага етказилди. Асфальт-бетон цехи ҳам ишлаб турипти.

Бир юз етмиш нафар таъмирловчиларни бирлаштирган жамоа жорий йилни ҳам дуруст бошлади. Ойлик ишлаб чиқариш режалари орттиги билан удаланди.

Мирсобир МИРҲАМИДОВ.

ЙЎЛ СОЗ — МАШАҚҚАТИ ОЗ

Қўшма қорхоналарда

ТАШҚИ БОЗОРДА ҲАМ ХАРИДОРГИР

«АНА ТЕКСТИЛ КО» Уртачирчиқ туманидагина эмас, болки, вилоятимизда барпо этилган тўнчи қўшма қорхоналарнинг бири ҳисобланади. Ким Пен Хев корпорацияси ва Жанубий Кореянинг «Ана интернейшл» фирмаси ҳамкорликда тузган бу қорхона истеъмол бозори учун хизмат қилмоқда. У пайпоқ ишлаб чиқаришга иxtисослашган вилоятимизда шундай маҳсулот тайёрловчи ягона қорхонадир. Бу ерда тўқилган пайпоқлар сифати жиҳатидан жаҳон мезонларига жавоб беради. Шунинг учун унинг ички бозорда ҳам, ташқи бозорда ҳам харидорлари кўп.

Жамоа маҳсулот ҳажмини тобора кўпайтириб бормоқда. Қорхона ишга тушибдики, унинг салоҳиятини ошириш бўйича ишлар бирор йил ҳам тўхтатилмади. Шу туфайли 1995 йилда ўз маҳсулотлари намуналарини истеъмол бозорига чиқариб, унинг юқори баҳосини олган қўшма қорхонада фойдаланилаётган асбоб-ускуналар сони муттасил ортмоқда. Ҳозирга келиб икки ярим миллион долларлик дастахоналар тўқувчилар элимида. Улар эса иқтирерларидоги бундай замонавий иш қуролларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Шунга яроша маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йил сайин эмас, ҳатто ой сайин кўпаймоқда. Масалан, ўтган йили хар ойда истеъмол бозорига 130 минг жуфтдан пайпоқ етказиб берилди. Олдинги йилларда бу кўрсаткич бор-йўғи 30 минг жуфтни ташкил этган эди.

Сафида 185 нафар ишчи-хизматчини бирлаштирган, улар асосан маҳаллий ёшлардир, қўшма қорхона жамоаси ўтган хўжалик йилини ҳам меҳнатда яхши яқунлади. Ишлаб чиқариш режаси барча кўрсаткичлар бўйича тўла ва ошириб бажарилди. Истеъмол бозорига етказиб берилган маҳсулот ҳажми 36 миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этди. Бу олдинги йилдагидан деярли икки баравар ошди.

Жамоа маҳсулотларига харидорлар кидирмаляпти. Аксинча, уларнинг ўзлари келмоқдалар. Бу ҳам маҳсулот сифати талаб даражасида эканлигиндан далолат беради. Фақатгина кейинги ойлорда узоқ ва яқин хорижий мамлакатлардаги катор буюртмачилар бу ерда тўқилган пайпоқларни сотиб олдилар. Биргина Жанубий Кореяга 50 минг долларлик маҳсулот жўнатилди. Россиялик мижозларга эса 4 миллион сўмлик, Қозғистонга 500 минг сўмлик пайпоқлар етказиб берилди. Бу йил бошидан олмонликлар ҳам қорхона буюртмачилари қаторига қўшилишди.


Қўшма қорхонада жорий йилда янада юқорирак меҳнат марраларини эгаллаш режаси тузилди. Шу кунлардан уни муваффақиятли амалга ошириш учун астойдил киришилди. Ишлаб чиқариш суръатлари кун сайин тезлаштирилляпти. Баҳордаёқ йилга 200 минг жуфт пайпоқ ишлаб чиқариш, кузга бориб эса бу кўрсаткич 300 минг жуфтга етказиш назарда тутилмоқда. Шундай қилиб, қорхонанинг ишлаб чиқариш қуввати дастабкиндан салкам ўн баравар оширилади. Бу олижаноб мақсад йўлида «Ана текстил КО» ишчи-хизматчиларига фақат омонлар ёр бўлишига тилкақошимиз.

Собир МАҲМУДОВ.

● **Болалик ва баҳор.** Хар икковини ҳам бир фазилат уйғунлаштиради. У ҳам бўлса гўзаллик. Зеро, жажиллар кулгусидан олам қувончга тўлади. Улар қалби баҳор жилғаларидек беғубор, тиник. Кўклар сулувалигидан болалар қирларга, адирларга ошиқадилар. Кимнинг варраги баланд учинини баҳор шамоли синаб беради.

Покиза туйғулар ила бошдан-оёқ йўғрилган болаликка яратувчанлик хислати ҳам хос. Баҳор келди дегунча болалар, болалари, мураббийлари, устозлари бошчилигида турли кўчатлар ўтказиб, боғлар яратишга ҳисса қўшадилар.

Боғлар бор жойда ёш авлод соғлом.
Тургунбек МАҲКАМОВ сурат-лавҳаси.



«Глория» рақсга тушса...

У МАЛАКАЛИ рақс ўқитувчиси ҳам, элга танилган раққоса ҳам, муסיқачи ҳам, ҳатто машҳур тивуччи ҳам эмас. Аммо табиат истеъдод борасида ундан ҳеч нарса кизганмаган. У ўрта мактабга ишга келганида эшитиш қобилияти ва хотираси кучлиги, юксак диди, рақс ҳаракати меъёрини аниқ ҳис этиши, муסיқани жон-дидан сезиши, кийимни яраштириб кийиши билан тезда оғизга тушди.

Билим даргоҳида лаборант сифатида иш бошлаган Наталья Георгиевна Азизова билим даргоҳи рақс тўғрисидаги кизларнинг астойдил интилишларини кўргач, уларга меҳр ва чин илҳос қўйди. Шундан кейин ҳаваскорлар билан иш бошлади. Дарслардан бундан тинимсиз шуғулланишлар бесамавр кетмади. Илгари «Орхидея» ҳозирги пайтда «Глория» деб аталаётган мактаб гуруҳининг таржимаи холи 1991 йилдан бошланди.

Наталья Георгиевна кизлар учун муסיқани ўзи танлар, яратилмаган рақслар рақсларини ижод қилар, ани пайтда бичувчилик, костюмлар тайёрлаш ишларини ҳам шоғирдлари билан биргаликда амалга оширади. Тўғра рақс раҳбари ота-оналарни

лан юқори синфлар мактаб билан хайрлашар эканлар, куйи синф ўқувчилари «Глория» санини тўлдирардилар. Аввало ўзлари истикомат қилаётган Бўстонлик туманида, кейин вилоятда танилган ёш раққосаларни турли ташкилотлар байрам кунларида, катта тадбирларда концертга жалб эта бошладилар. Улар қаерда бўлишмасин, ўзлари ҳақида билдирилган самими дил изҳорларидан хурсанд бўлиб қайтардилар.

Хусусан, туман ҳокими, туман маданият ишлари бўлими, туман ҳаётининг бўлими, вилоят ҳаётининг бўлими, вилоят ҳаётининг бўлими, қорқонлар ҳам кичик қорқонлар ҳам маолаери ёшларга кўн бора ўз миннатдорчиликларини билдирдилар.

Кейинчалик уларнинг истеъодлари катта бир имтиҳондан ўтди. Бухоронинг 2500 йиллиги муносабати билан бу қадимги шаҳарга бўлган сафар чоғида, пойтахт Тошкент шаҳридаги Бўстонлик туманида Мустиқлик айёмларида кўрсатилган концертлар «Глория» номини кенг қўламда танита

бошлади. Наталья Георгиевна эса ўз шоғирдлари билан мактаб шухратини янада мустаҳкамлашга, янги шарафига шараф қўшишга интилаверди.

«Глория» ойма-ой, йилмай камолот сари бормоқда. Унинг иштирокчилари кизларнинг ҳам бўйлари чўзилмоқда. Мустиқлик ҳаётга йўл олаётганлар қалбида Наталья Азизовнага бўлган меҳр ҳам чуқур из қолдирмоқда.

Устоз учун эса яна янгидан иш бошлаш, янги рақслар уйлаб топиш, янги сафарларни режалаштириш кунлари шу тарзда давом этаверди. Шуниси эътиборга лойиқки, кўрсатилган концертлардан на ўқитувчи, на кизлар манфаатдорлар. Топилган маблағлар янги кўшма турлар учун зағамалар сотиб олишга сарфланмоқда.

Ольга МАКСИМОВА.

ИСМИНТИЗ МАЪНОСИНИ БИЛАСИЗМИ?

Янги китоблар

Эй, фарзанд, агар фарзандинг бўлса, анга яхши от қўйил, нединки, отадан фарзанд ҳақларидан бири унга яхши от қўймоқдур.

Ун биринчи асрнинг ноёб маънавий дурдонаси «Кобуснома»дан олинган бу парча — отанинг фарзандига насиҳатида қадим аждодларимизнинг фарзандга исми қўйишнинг муқаддас деб билганини, ҳар бир ўғил ёки қиз ўзига берилган исмининг мазмун моҳиятини теран англаши, унга муносиб бўлиши тўғрисида қайғуришни кўрсатади. Улар бунга ҳақиқатан ҳам фарзанд ҳақларидан бири деб билганлар.

Ўзбек исмлари ниятда рағбатланган. Дарвоқе, ота-онанинг исми учун сизга «Азиз» ёки «Азиза» деб исми қўйишганини, бу исмлар қандай маънони англатишини биласизми? Аслида «Азиз», «Азиза» арабча сўз бўлиб, қадри, қиммати, табарруқ, хурматли, ноёб маъноларини англатади.

Филология фанлари доктори Э. Бегматовнинг «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти томонидан chop этилган «Ўзбек исм-

лари маъноси» (изоҳли луғат) китоби ҳар биримизга исми-маъносини билиб олишда ёрдам беради. Унга эътибор қўйиб, 14 минг 600га яқин исми жамланган. Улар алфавит тартибида берилган. Бу эса ота-оналарга янги турли фарзандларига энг маъқул исми оsonинга танаб олши имконини беради.

Китобда исмларнинг этнографик маъноларини изоҳлаш, уларнинг пайдо бўлиши ва болага қўйилиши билан боғлиқ маънолар тўла талқин этилган. Келтирилган исмларни тўлиқ ва тўғри тушуниш учун номлар маъносини изоҳлаш билан боғ-

лиқ баъзи илмий-назарий фикрлар китоб сўнггида берилган «Ўзбек исмлари этнографияси»да қайд этилган. Маълумки, ҳозирги вақтда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикасининг лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисидаги қонуни амалга ошмоқда. Шу маънода китобда ўзбек исмларининг крилица ва лотин ёзувида берилганиги бу борда ҳар бир фуқаро, қолаверса, расмий идоралар учун исмларни хатосиз ёзишда муҳим қўланма бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. (УЗА).

ДОРИ ИЧИШГА ШОШИЛМАНГ...

● **КАШНИЧ** уруғи бош айланшини қолдиради. Уни ҳовончада туйиб, истеъмоладан қилган киши дармонга қиради.

● **ПЕТРУШКА** жигар хасталигини даволайди. Пешобни ҳайдайди. Ҳайзи тўтилиб қолган аёлларга ҳам фойдаси бор.

● **ХУРМО** таркибида йод бўлиб, у буқоқ касалига даво. Ховлингизда ҳурмо дарахти бўлса, унинг фақат меваларини теришга шошилманг. Баргида ҳам йод бор экан. Териб, қуриштириб, олиб қўйсангиз, йилнинг исталган фаслида чой дамлаб ичишининг имкони бўлади.

● **ШИВИТ** эмзикли аёлларнинг сутини кўпайтиради. Қон томирларини кенгайтириб, қон босимини туширади. Балғам қўчириш хусусиятига ҳам эга.

● **ЯЛПИЗ** гижжа ҳайдайди, қушишни қолдиради, қон тўхтаатади.

● **АРПАБОДИЕН** хунбузар, эшак еми, гулафшонга даво. Қайнатиб ичилади. Гулафшон баданларга тошган бўлса, арпабодиен солиб қайнатилган сувга ювинг.

● **ЖУХОРНИНГ** попуғи буйракка даво эканлиги ҳаммага маълум. Анчик бодомнинг ҳам буйракка фойдаси бор.

● **БОЛАНГИЗНИНГ** ичи кетдими? Зира чой дамлаб ичинг. Зира чой қорин оғриқ, ич кетганда энг яхши даво. Шафтоли еганингизда данагини отиб юборманг. Шафтоли данагидан ҳам чой дамлаб, ичириб қўринг-чи? У ҳам ич оғриққа даво.

САХИЙЛИК БОРКИ...

Дилдаги гаплар

Сахийлик деганда қўли очик, қалби пок ҳамда инсоний гўзалликка эга кишиларни тушунаман. Сахий инсон қўлидаги бир бурда нонини ҳам аямай дўстларига улашади. Бу фазилат инсониятнинг энг гўзал фазилатларидан бири бўлса ажаб эмас. Сахий инсоннинг жамиятга фойдаси кўпроқ тегади. Бу жуда яхши фазилат. Лекин ҳар нарсанинг негараси бўлганидек, сахийликнинг ҳам ўз меъёри бор. Киши сахий бўлиши керак. Лекин дуч келган ерда пул сочиб ёки даб-дабали тўйлар қилиш яраммайди. Бу иш исрофгарчиликка олиб келади. Исрофгарчилик эса сахийликка умуман тўғри келмайди.

Ривоятларга кўра қадим замонларда жаннатмакон бир мамлакат бўлган экан. Бу жуда ажайиб улка бўлиб, булук ўрнида сут, дарё ўрнида бол оқар экан. Бу ернинг одам-

лари ҳам жуда ажайиб экан. Улар деҳқончилик билан машғул эканлар. Қайси бир йили бу мамлакатда кучли зилзила бўлибди. Мамлакатнинг барча гўзал ерлари пайхон бўлибди. Шунда ўз юртарини қайта тиклаш мақсадида одамлар чор тарафга ердан сўраш учун йўлга тушибдилар. Шу одамларнинг бир қисми биз томонларга ҳам келиб, кўп бойлардан ердан пули ола бошлабдилар.

Кунлардан бир кун улар ўз оdatларига биноан уйма-уй юриб бир бойнинг ховлисига кириб қолишибди. Бу бойнинг еттига келини бўлиб, уларнинг қўлида биттадан шам бор экан. Бой битта гугурт билан барча келинларнинг шамини ёқиб, қўлни пуфлаб, чўнтагига солиб қўйибди. Келинлар эса шамларини авайлаб ўз уйларига олиб кириб кетибдилар. Бу ҳолатни кўрган одамлар бу уйдан индамай чиқиб кетибдилар. Бой эса ҳайрон бўлиб уларни қайтариш учун кўзгаллибди. Одамларнинг арзини тинглаб, уларга катта пул инъом қилибди. Боялар унга ҳайратлиқни қарашибди. Шунда бой нима учун бошида уйдан қайтиб чиқиб кетганларини сўрабди.

Одамлардан бири дебди: — «Сизнинг битта гугурт билан еттига шамни ёққангизни кў-

риб, бу одам хасис экан, ундан нарсаси сўрашининг фойдаси йўқ, деб ўйладик».

Бир пас ўйлаб тургач, бой қўлимсиз: — «Тўғри, мен кўнчада дайдим ва ўғриларга ҳайри қилмайдим, уйма-уй ҳам исрофгарчиликка йўл қўймайдим. Лекин яхши одамлар, яхши иш учун ҳеч нарсани аямайдим. Агар мана шундай тежамкор бўлмасак, сизларга бундай ердан бера олмасдик», деб жавоб берган экан.

Одилсини боқибдан қўйналган кишига сахий инсон озгина ердан берса, шу билан уша одам турмушини яхшиласа, бу катта савобга қиради. Уша озгина ердан ҳам унинг кўзига кўн қўринади. Сабаб:

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони қузатиш бош бошқармасидан бизга хабар қилишарича, 10-14 март кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Шу даврнинг охирига бориб баъзи худудларда ёғингарчилик бўлиши эҳтимоли бор. Харорат кечалари 3-8 даража, кундуз кунлари эса, 12-17 даража атрофида бўлади.

Дилноза ЁҚУБОВА.

Балиқ ови ишқибозлари диққатига ҲОЗИР ВАҚТИ ЭМАС

БАЛИҚ ОВИ ишқибозлари орзиқиб қутган дамлар ҳам тобора яқинлашиб келмоқда. Баҳор ўз таврояти билан бутун борлиққа гўзаллик бахш этапти. Ҳадемай балиқ овлash мавсуми ҳам бошланади. Уни ишқибозлар катта байрам сифатида қутиб оладилар. Лекин, эрта кўкларда балиқ овлashда амал қилиниши мажбурий бўлган қонун-қондалар бор. Балиқлар увилдириқ ташлашга қиришдилар. Бундай вақтда уларни ҳеч қандай усул билан овлash мумкин эмас. Бунинг учун махсус ҳавзаларга ажратилди. Фақат шундай ерларда ҳам фақат қармоқ қилиш ов қилишга руҳсат берилади.

Шуни эслатиб қўйиш лозимки, увилдириқ ташлаш даврида кўнчилик балиқларда ишга ҳаётчилик. Улар ўз жон-ҳаёти билан ташланади. Бундай пайтда балиқлар қўлаб овланиши ва уларнинг захираларига катта зарар етказилиши мумкин.

Хар йили баҳорда балиқ тутишни чеклашга қаратилган тадбирлар ўтказилади. Амалдаги қондаларга мувофиқ, республикамиз худудларида бу йил увилдириқ ташлаш пайтида ҳар қандай балиқ тутиш манъ этилади. Бунинг учун махсус муддатлар белгиланган. Масалан, Сирдарё ва Амударёларда 10 мартдан 31 майгача балиқ овлash мумкин эмас. Бошқа сув ҳавзаларида эса бу муддат 16 апрелдан бошланиб, 31 майгача давом этади.

Бундан мақсад увилдириқ ташлайдиган балиқларнинг овланишига йўл қўймаслик. Афсуслариники шундаки, айрим балиқ ови ишқибозлари бу тартибга умуман амал қилмайдилар. Бу эса жуда катта зарар келтирмоқда. Моторли қайиқларнинг шовқини ҳам балиқларнинг уруғ ташлашига салбий таъсир қилади. Шунинг учун барча сув ҳавзаларида бундай сузиш воситаларидан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди.

Қонунчиликда белгиланган балиқ тутиш қондаларига амал қилишнинг учун турли жинсий, маъмурий ва моддий жазолар жорий қилинган. Қимматли балиқлар турларини тугатилган ва ўлдирганлик учун браконьерлардан жаримадан ташқари етказилган зарар ҳақи ҳам ундириб олинади. Масалан, вази ва йўналиш қанчалиги-

М. МАҲМУТОВ.

1938 йил, 7 майда туғилган. Тўйтепа шаҳар Гузар маҳалласидаги 92-уйда яшаган Федорченко Мария Сергеевна 1998 йил 26 мартда вафот этди. Вафотидан сўнг маълум бўлдики, у ёлғиз яшаган. Агар унинг бирон меросхўри ёки қариндошлари бор бўлса, қуйидаги манзилга мурожаат қилсинлар: Тўйтепа шаҳри, Гузар маҳалласи, 92-уй.

«Тошкентматлуботсавдо» акциядорлик компанияси жамоаси «Тошкентматлуботсавдо» акциядорлик компанияси бошқаруvinинг расми Тolibжон Тошкентовга онаси Сайдинас НУРЧИЕВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент тумани ҳокимлиги, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасининг бошғиси Мамлур Пулатовга қўйилди. Мухаддири ота ПУЛАТОВНИНГ вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БУ ЙИЛГИ СОЛИҚЛАР ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

РЕСПУБЛИКАМИЗ бозор иқтисодиётига асосланган ривожланиш босқичига ўтгандан сўнг аҳоли кундан-кунга солиқларнинг моҳиятини тушуниб борапти. Айни вақтда фуқаролардан солиқлар масаласида саволлар, айрим тушуновчиликлар ҳам юз бермоқда. Шу муносабат билан бу соҳада пайдо бўлаётган саволларга жавоб олиш мақсадида таҳририятимиз вилоят Давлат солиқ бошқармасининг «Жисмоний шахсларни солиққа тортиш, маҳаллий солиқ ва йиғимларни ундириш» бўлимининг шўба мудири А. ХОЛМАТОВГА мурожаат қилди.

САВОЛ: Газетхонларимиздан аҳолидан олинмайдиган ер солиғи ва унинг 1999 йилдаги миқдори қизиқтирапти. Бу бордада тушунча беришми?

— Ҳақиқатан ҳам амалдаги «Солиқ Кодекси»да аҳоли ўзи фойдаланаётган меъёрдаги ва меъёрдан ошқича ер майдонлари учун солиқ тўлаши лозимлиги белгиланган. Бу меъёр шаҳар жойларида шахсий уй-жой қуриш учун берилган ерлар бўлиб, унинг миқдори 0,06 гектарга-ча. Қишлоқ жойларида эса шахсий ердამчи хўжалик юритиш учун ажратилган ерлар бўлиб, унинг миқдори 0,25 гектарга-ча. Солиқ ставкаси хар йили ўзгариб туради. 1999 йил учун аҳолига солинадиган ер солиғининг ставкалари республика Вазирилар Маҳкамасининг 1998 йил 31

Фуқароларнинг ўзлари мустақил ҳисоблашлари мумкинми?

— Ер солиғини ҳисоблаб қиқилинган озгина мураккаб томонлари бор. Улар шундан иборатки, ҳар бир шаҳар ва қўрғонларнинг майдонлари худудларга ажратилган. Бундан ташқари ер майдонининг вилоят, туман ва шаҳар марказларидан қандай узокликда

«Тошкент ҳақиқати» маслаҳатхонасида

жойлашгани ҳам аҳамиятга эга. Агар газетхон фойдаланаётган ер майдони ўзи истикомат қилаётган шаҳарнинг қайси майдонида жойлашганини аниқ билса, белгиланган ставкалардан фойдаланиб, 1999 йилда тўлаши мумкин бўлган солиқ миқдорини ўзи ҳисоблаши мумкин. Шунингдек, қишлоқ жойларида истикомат қилаётган фуқароларнинг ҳам фойдаланаётгани ер майдонлари вилоят, шаҳар ёки туман марказидан қандай масофада жойлашганидан фойдаланиб, белгиланган ставкаларни қўлаш орқали солиқ миқдорини аниқлашлари қийин эмас. САВОЛ: Одамлар

Ўзлари фойдаланадиган ер майдони қандай минтақада жойлашганини билишмасачи? У ҳолда қандай маслаҳат берилади?

— Бу ҳолда улар шу худудга бириктирилган давлат участка солиқ нозирига мурожаат қилсалар, уларни қизиқтирган барча саволларга жавоб оладилар.

САВОЛ: Ер солиғи бўйича қандай имтиёзлар бор?

— Яқна тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ердამчи хўжалик юритиш учун берилган ер участкаларига солинадиган солиқлардан Ўзбекистон ва собиқ Иттифок Қаҳрамонлари, Меҳнат Қаҳрамонлари, Учала даражали «Шуҳрат» ордени билан тақдирланганлар, 2-жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлар, байналминал жангчилар, I ва II гуруҳ ногиронлари, ёлғиз нафақахўрлар, боқувчиси йўқотган кўп болали оилалар, уруш йилларидаги концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, Чертанбил фожиасини туғатиш иштирокчилари ва яйлов қорвалчиликда банд бўлган ходимларга имтиёзлар берилган. Бундан ташқари қўчириб келтирилган фуқаролар

Келиб жойлашган ер участкалари бўйича берилган вақтдан бошлаб 5 йилгача имтиёзли хўқуққа эга бўладилар.

САВОЛ: Газетхонларимиздан баъзиларининг бошқа туман худудида дала ховлиси бўлса, улар ер солиғи тўлайдими? Уларга нисбатан қандай имтиёзлар бор? Солиқлар қаерга тўланади?

— Ер солиғи бўйича дала-хўвли (боғдорчилик-узумчилик учун ажратилган ер) эгаларига ҳеч қандай алоҳида имтиёз кўзда тутилмаган. Бошқа сўз билан айтганда, ана шу мақсадлар учун ажратилган ерлар тўлиқ солиққа тортилади.

Лекин, дала-хўвли эгаси юқорида имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг бирор тоифасига мансуб бўлса, у ҳолда дала-хўвлисига қурилган мулки (боғ уйи)га нисбатан татбиқ этилиши мумкин.

Солиқ дала-хўвли жойлашган худуднинг участка солиқ нозирига унинг эгаси томонидан тўланади. Йилгилан солиқ шу туман ёки шаҳар бюджетига ўтказилади.

Сўхбатдош: Хондამир УМАРОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ
TOSHKENT HAQIQATI

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Фатҳиддин
МУҲИДДИНОВ

Маълумиёти:
700000, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар:
хатлар ва оммавий ишлар бўлими:
133-40-48
Эълонлар:
133-99-15, 136-57-27.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.